

**ТОШКЕНТ ЁФОЧ ЎЙМАКОРЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДАГИ ГУЛЛАБ-ЯШНАШИ (МУҲАРРАМ
ИБРАГИМОВА ИЖОДИ МИСОЛИДА)**



Дилноза Абдуллаевна Нарзуллаева

(PhD) I босқич

*мустақил тадқиқодчиси
Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик
тариҳи давлат музейи Амалий санъат ва
этнография илмий бўлими мудири,
К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик
ва дизайн институти*

DOI: <https://doi.org/10.37547/ssa-V4-16-15>

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон ёғоч ўймакорлиги ривожига ҳисса қўшган уста ҳунармандлар тўғрисида маълумотлар берилган. Шунингдек, Тошкент ёғоч ўймакорлиги намоёндаси, амалий санъатнинг мураккаб турларидан бирини давом эттириш ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган, аёл ҳунарманд Муҳаррам Ибрагимованинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида сўз борган. У яратган асарлар, соҳага киритган янгиликлари, ишлаш техникаси ва иштирок этган кўргазма ва фестиваллари ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: ёғоч ўймакорлиги, ўйма, майший буюмлар, маҳобатли асарлар, эшик, кутича, ўйма қовоқ, ёғоч ўймакор усталар.

Аннотация: В статье представлены сведения о мастерах-ремесленниках, внесших вклад в развитие резьбы по дереву в Узбекистане. Также речь идёт о жизни и творчестве Мухаррам Ибрагимовой, женщины-ремесленницы, внесшей вклад в продолжение и развитие одного из сложных видов прикладного искусства, представительницы ташкентской резьбы по дереву. Данная информация о созданных им работах, её инновациях в этой области, технике работы, а также о выставках и фестивалях, в которых она участвовала.

Ключевые слова: резьба по дереву, резьба, предметы быта, шедевры, дверь, шкатулка, резная тыква, резчики по дереву.

Abstract: The article provides information about master craftsmen who contributed to the development of wood carving in Uzbekistan. Also, there was talk about the life and work of Muhamarram Ibragimova, a woman artisan who contributed to the continuation and development of one of the complex types of applied art, representative of Tashkent wood carving. Information is provided about the works she created, his innovations in the field, her working techniques, and the exhibitions and festivals she participated in.

Keywords: wood carving, carving, household items, masterpieces, door, box, carved pumpkin, wood carvers.

Ёғоч ўймакорлиги Ўзбекистон худудида қадимдан меъморчиликда ва кундалик буюмларда қўлланилган. Ҳозирги кунга қадар ўймакорлик ўзининг ҳусусиятларини янада такомиллаштириб, анъаналари давом этиб келинмоқда.

Ўзбекистоннинг энг йирик ўймакорлик мактаблари шаклланган марказларга Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Кўқон, Хива киради. Ёғоч ўймакорлиги йўналишида фаолият юритган машхур усталар ҳам айнан шу шаҳарлардан этишиб чиқкан.

Айниқса, Хива-маҳобатли ёғоч ўймакорлиги билан машхур. Ўймакорлар нақшларни ажратиб кўрсатиш учун чукур ўйишган. Услублаштирилган ўсимликсимон нақшлар композицияларни яққол намоён этишда ёрдам берган.

Хивалик усталар маҳобатли ўймакорлиқда ёғочнинг фонини ва устки қисмини локда бўяшмаган. Яъни, ўзининг табиийлигини сақлаш учун лок ва бўёқлардан фойдаланилмаган.

Ота Полвоновнинг (1867 йилда туғилган) ана шу каби асарларини Хиванинг биноларида тез-тез учратиши мумкин.¹

Бухоро ўймакорлиги жимжима нақшлари, заминида ранглардан фойдаланиши билан ажралиб туради.

Тошкент ва Кўқонда усталар асосан, кундалик буюмлар ишлашган. Уларга ингичка ўйма-“паргори” услугидан фойдаланилган. Кўқонлик уста Қодиржон Ҳайдаров (1899 йилда туғилган) асосан, хонтахта, курси, кутичаларни яратган. Тошкентлик машҳур ёғоч ўймакор Мақсад Қосимов (1905-1965) ёрқин намоёндалардан бири ҳисобланади. XX аср бошларида Тошкентда кўплаб эшиклар ва дарчалар ишлаб чиқариш кенг тарқалган. Улар унча чукур бўлмаган ўйиш услуги ёрдамида безатилиб, майда ёғоч бўлакчалардан тайёрланган (асосан, бу каби мураккаб услугуб масжид, мадраса ва мақбарааларда бухоролик, қўқонлик ва ўратепалик ўймакор усталар томонидан бажарилган). Мақсад Қосимов Давлат тарих музейи кириш эшикларини бажаришда иштирок этган. Ўша даврда кўпгина моҳир усталар билан танишган. Ўнг табақасини ўратепалик Ашур Ғофурхўжаев бажарган бўлса, чап табақасини қўқонлик Абдураззок Абдураҳмонов бажарган. Уста асосан “ислимий” услугида ишлаган. Мақсад Қосимов устози Абдураззок устадан ушбу услугнинг сирасорларини ўрганади. Ўзининг ижодий ишларида ҳам қўллай бошлайди. 1,5- 2 мм ўйилган ёғочнинг асоси нукталардан иборат бўлган “турзи” ёки “чакич” нақшлари билан безатилган. Ушбу нукталарни туширадиган асбоб ҳам айнан шу ном билан аталган.²

Сулаймон Хўжаев (1866-1947) – машҳур тошкентлик ёғоч ўймакор асбоб-ускуналар билан эҳтиёткорона ишлаш ва ёғоч турини тўғри танлашга алоҳида эътибор берган.

Ёғоч ўймакорлар наққошлар билан биргаликда иш олиб боришган. Машҳур наққошлардан Олимжон Қосимжонов (1878-1952), Ёкуб Раупов шулар жумласидандир.

Яна бир панжарасоз машҳур уста тошкентлик Насриддин Зиёқориев (1869-1942) бўлган. Панжаралар асосан, оқиш ва юмшоқ дараҳт турлари: терак ва жўқадан ясалган. Ёғочнинг ҳажми панжара ёки дераза ромининг ҳажмига мос равишида кесилган. Н.Зиёқориев умри давомида жуда кўплаб панжаралар яратган. Панжарасозликда унга тенг келадиган усталар жуда кам бўлишган. Турли хил нақшлар панжарасозликда ишлатилган. Улардан, “тўғри вас-вос”-бир-бири билан кесишуви тўғри чизиқлар, “эгри вас-вос”- худди юқоридаги каби, аммо эгри чизиқлар кесишуви маъносини билдиради. Жумладан, “чор вас-вос” тўрттадан чизиқларнинг бир-бири билан кесишуви натижасида ҳосил бўлган нақш ҳам тез-тез ишлатилган. Панжаралар нақшларининг ўзаро уланмаган нақшлари эса, “узма” деб аталган.

Ёғоч ўймакорлиги ўзига ҳос амалий санъат турларидан бири ҳисобланганлиги учун, унинг безаш техникалари ҳам мураккабдир. Бунда “ислимий” (ўсимликсимон яъни барг, гул, новда тасвиirlаридан ҳосил қилинган композиция), “паргори” (ёғочга циркуль ёрдамида чизилиб, кейин ўйиладиган нақш тури), “боғдоди” (турли геометрик шакллар йиғиндисидан иборат нақшлар жамланмаси) услубларида эшик, устун, панжара ва хонтахталарга безак берилади. Нақш қанчалик эҳтиёткорлик ва дид билан ишланса, буюм нафис ва бежирим чиқади. Нақш мужассамотида гирих ва ислимий нақшлар ҳамоҳанг ишлатилади, мустақил равишида гирих камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Ёғоч ўймакорлиги санъатида элликдан ортиқ маҳсус асбоблардан фойдаланилади. Жумаладан, куракча исказа, нова исказа, тўғри исказа, замин исказалар, чекма исказа, ховза исказа, морпеч исказа, гурзи ва бошқалар. Нақш замини ўйиб бўлингандан сўнг гурзи билан сақиччлаб чиқилади.

XIX-XX асрларда Тошкент шахри ёғоч ўймакорликнинг асосий марказларидан бири бўлган. Меъморий иншоотларни безаш билан бир қаторда, тошкентлик усталар ишида майиший ўймакорлик ҳам муҳим ўрин тутган. С.Хўжаев, М.Қосимов, О.Файзуллаев,

¹ Аведова Н.А. Ташкентская резьба по дереву в работах М.Касымова. Ташкент-1961. Стр 7.

² Аведова Н.А. Ташкентская резьба по дереву в работах М.Касымова. Ташкент-1961. Стр 12.

Х.Қосимов. Н.Ибрагимов сингари таниқли тошкентлик ўймакор усталарнинг анъаналари А.Азларов, устазода ҳунарманд М.Иброҳимова, Д.Фоипов, С.Рахматуллаев, Х. Ҳасановлар ишларида давом эттирилган. Ушбу усталарнинг асарлари кўплаб музейлар каби Ўзбекистон амалий санъат ва ҳунармандчилик тарихи давлат музейи тўпламидан ҳам ўрин олган. Жумладан, О.Файзуллаевнинг шабака услубидаги панжараси ҳам музей экспозициясида намойиш этилган. Шу каби бир нечта ўймакор усталарнинг хонтахта, курси, қутичалар каби майший буюмлари ҳам ташрифчиларга тақдим этилган.

Яқин йилларгача ўймакорлар авлодидан аёл уста чиқмаган. Аммо тошкентлик Муҳаррам Ибрагимова шу ҳунар ортидан “Шуҳрат” медали ва Ўзбекистон ҳалқ устаси унвонини олган. Демак, ўзбек аёлларидан ёғочни ҳам тилга кирита оладиган истеъододларни топиш мумкин. Муҳаррам Ибрагимова ота касби бўлган, асосан, эркаклар шуғулланадиган ёғоч ўймакорлиги ҳунарига ёшлигиданоқ меҳр қўйган.

Муҳаррам Ибрагимова 1949 йил 1 июлда Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келган. Отаси Нигмат Ибрагимов ёғоч ўймакорлар сулоласи вакили, ўз даврининг моҳир устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби бўлган. Онаси Машкура Қосимова билан 9 нафар фарзандни вояга етказишиган.³

Муҳаррам аянинг бобоси Иброҳим ота ўз даврининг энг маҳоратли устахунармандларидан бўлиб, ўзининг обрў-эътиборига эга бўлган. Бобоси ва отасининг изидан кетган Муҳаррам Ибрагимова, қиз бола бўлишига қарамай, ака-укалари қаторида, машаққатли иш ҳисобланган ёғоч ўймакорлиги анъаналарини давом эттиришга астойдил бел боғлаган ва шундай улкан масъулиятни бўйнига олган. У 5 ёшидан онаси Машкура аядан ёғоч ўймакорлик сир-асрорларини ўргана бошлаган. Мактабни битиргач, 1972 йилда Тошкент давлат университетининг биология факультетига ўқишига кирган. 1978 йилда эса, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Эндокринология институтига илмий ходим бўлиб ишга кирган.

Муҳаррам Ибрагимованинг бобоси, тошкентлик машхур ёғоч ўймакор Иброҳим ота яратган эшиклар Швейцариядаги банклардан бирига ўрнатилган. Бундан билиш мумкинки, ушбу сулола вакилларининг асарлари дунёнинг кўплаб давлатларида мавжуд.

Иброҳим отанинг асарлари буюртмачига манзур бўлганидан шунчалик мамнун бўлганки, устанинг меҳнат ҳақидан ташқари, 40 та тия билан мукофотлаган. Муҳаррам Ибрагимова отасининг ҳунарини давом эттиришига унинг турмуш ўртоғи Тўлаган Фоипов ҳам қайсиdir маънода сабабчи бўлган. Тўлаган Фоипов Муҳаррам аянинг отасига шогирд тушган. Муҳаррам Ибрагимованинг ҳаёт йўли Тўлаган Фоипов билан боғлангач, мукаммал ёғоч ўймакорлар оиласи шаклланган. Бу оиласа дунёга келган 3 фарзанд: Жамшид, Мухайё ва Хуршид Фоиповлар ҳам ота-онасининг изидан кетиб, Тошкент ёғоч ўймакорлигини давом этишида муносиб ҳиссасини қўшиб келмокда.

Жамшид Фоипов ёшлигидан ёғоч ўймакорлиги санъатига меҳр қўйиб, ушбу ҳунарни давом эттиришга бел боғлаб, ўзининг ҳаётини ёғоч ўймакорлигига бағишилади. Тошкент шаҳридаги катта мажмуаларнинг эшиклари, устунлари ва интеръер безакларини бажарган. Ўз ўрнида фарзандларига ҳам ўзининг ҳунарини ўргатиб, Тошкент анъанавий ёғоч ўймакорлигини сақланиши ва давом этишида жонбозлик кўрсатиб келмокда.

Муҳаррам Ибрагимова ўзининг ilk катта ишини 18 ёшида, 1968 йилда Тошкент давлат Шарқшунослик институти биносининг киравериш қисмидаги устунларининг ўймакорлик ишларини бегараз бажарган. Ушбу устунлар ҳозирги кунга қадар институт биносини безаб туради.

Шунингдек, у ўз шогирдлари билан биргаликда маҳалла масжиди ва идоралари учун ўйма эшик ясад берган. Ўзбекистон санъат музейига ўймали девор безаги (панно)ни ишлаб топширган. Шу ўймали безак ҳамон бинода сақланмоқда. 1982-йилдан бошлаб, Усто бирлашмаси ижодий гуруҳида ишлаб келган. Иш фаолияти давомида бир-бирини тақрорламайдиган, бетакрор нақш усулларини ўйлаб топиб, турли ғоялар устида

³ М.Гаипованинг “Тошкент ёғоч ўймакорлигининг йирик намоёндаси Н.Ибрагимовнинг ижоди” номли мақоласидан.

изланишлар олиб борган. Шу йиллар мобайнида 1984-йили Жиззах вилояти Мусиқали драма театрига учта эшикни ўймакорлик ишларини амалга оширган.

1985-йилда Жанговор меҳнат шон шуҳрат музейига иккита ўйма эшик учун нақш чизган ва уларни ёғочга кўчириб ўйиш ишларида қатнашган. Бу ишлар З қаватли, чукур ўйма услубида ислимий нақш, чокапардоз ишланган. Қозоғистон Республикасидаги Турбат Исмоил ота мақбаралари маданият саройига тўртта ўйма эшикни ясаб, ўрнатиб берган. Шунингдек, 1986-1987-йилларда Чирчик шахрининг Электр химпромкомбинати қошидаги чойхона ва Ўлкашунослик музейига ҳам ўйма эшик ясаб берган.

Мұхаррам Ибрагимова томонидан яна бир қатор жовон, 8,6,4 қиррали столлар, курсилар, турли хил ҳажмдаги лавҳлар, лаган, кўза ва упадонлар каби буюмлар бетакрор нақшлар билан безатилган.

Мұхаррам Ибрагимова ёғоч ўймакорлиги усталари орасида биринчи бўлиб қовоқда турли кўринишда ўйма нақшларни ўйиш технологиясини ишлаб чиқсан.

Ўзбекистон Давлат санъат музейининг халқ амалий хунармандчилик бўлимидағи намуналар орасида Мұхаррам Ибрагимова яратган ижодий ишлардан бир қанчаси доимий кўргазмага қўйилган. Унинг кўпгина санъат асарлари Франция, Италия, Германия, Бангладеш, Корея, Руминия, Япония, Финляндия, Малайзия, Туркия каби мамлакатларнинг кўргазмаларида намойиш этилган. Саудия Арабистонининг Ар-Риёд шахридаги музейида бир қатор ўймакорлик буюмлари намойиш этилган.

Мұхаррам Ибрагимова 1995-йилда Малайзия мамлакатида ижодий сафарда бўлиб, Куала Лумпур шахридаги Ислом тарихи музейида бир қатор ишларини намойиш этган. 1997-1998-йилларда ясалган 4 та катта ўйма эшикларидан 2 таси Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси биносига, қолган 2 таси Алишер Навоий номидаги драма театри биносига ўрнатилган.

Таъкидлаш жоизки, Мұхаррам Ибрагимованинг йирик ишлари қаторида эшиклар алоҳида ўрин эталлайди. Меъморий безаклар орасида ислом санъатида эшикка алоҳида вазифа юқлатилган. “Бир қараашда меъморий маконнинг хизмат элементи ҳисобланган эшик- илоҳий дарвоза рамзи бўлиб, фоний дунёдан юқори самога ўтиш ҳудуди сифатида талқин этилган”. Уста ҳар бир эшикни яратиш чоғида мазкур анъанани сақлашга интилган ва ислимий нақшлар орқали эшикда жаннат гўзаллигининг бир заррасини ифодалашга уринган.

Мұхаррам Ибрагимованинг Олий Мажлис биноси учун ишлаган эшиклари Малайзиядан келтирилган палма дараҳтидан тайёрланганлигига сабаб, фақатгина анъанавий безак вазифасини бажарибина қолмай, бошқа талабларга ҳам жавоб бера олган. Уларнинг ўлчамлари 2,5x8,2 метр, қалинлиги 40,5 смни ташкил этиб, сиртига асосан ўсимликсимон-“ислимий”, “тажжаксимон” ва “занжира” нақшлари ўйилган.

Мұхаррам Ибрагимованинг камтарона меҳнати 1999-йилда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.Каримов томонидан муносиб тақдирланиб, “Шуҳрат” медали топширилган.

Мұхаррам Ибрагимова ижодий изланиш билан бир қаторда, ёш авлодга ўз хунарининг сир-асрорларини ўргатган. Устанинг хонадонида иш ўрганган шогирдлар қаторида маҳалланинг кўплаб болалари ҳам бўлиб, уларнинг аксарияти “уста” мақомига эришган. Устанинг фарзандлари Жамшид, Мұхайё ва Хуршид Гаиповлар қаторида, шогирдлари Элмурод Пирматов, Нуридин ва Улуғбек Расуловлар, Ботир Мавлонов, Олим Файзиев, Жамол Ибрагимов, Баҳром Жўраевлар иш ўрганиб, ҳозирда мустақил иш фаолиятларини давом эттиришмоқда.

Мұхаррам Ибрагимова шогирдлари билан биргаликда Қозоғистон Республикасининг Олма-ота шахридаги «Етти хазина» ресторанининг ёғоч ўймакорлик жиҳозларини ясаща иштирок этишган. Пойтахтимиздаги «Ипак йўли» ресторанининг ёғоч ўймакорлик ишларини шогирдлари билан бажарган. Шунингдек, пойтахтимизнинг Учтепа туманида жойлашган Мўйин Ота қабри зиёратгоҳига икки ўйма эшик ясаща иштирок этган.

2007-йилда Ҳазрати имом мажмуасининг Бароқхон мадрасаси усталар ижодхонасида Мұхаррам Ибрагимова учун ҳам алоҳида жой ажратилған. У ерда Мұхаррам Ибрагимова хориждан келган сайёхларга ёғоч ўймакорлик буюмларини, қовоқ ўйиш жараёнини күрсатиб, маҳорат дарсларини ўтказған.

2004-йилдан бошлаб Тадбиркорлар ва ишбилармонлар харакати Ўзбекистон либерал демократик партиясига аъзо бўлган. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар «Тадбиркор аёл ва ишбилармон» жамоат бирлашмасига аъзо бўлган. 1990-йиллардан буён, мустақил ижод билан шуғуланаётган моҳир халқ усталарининг аксарияти, марказ ва уюшмалар таркиби аъзо бўлган ҳолда ижод қилган. Республика маҳсус ижодий-ишлаб чиқариш “Усто” бирлашмасига аъзо бўлган усталар давлат аҳамиятига молик йирик объект ва қурилишларда қатнашған. “Мусаввир” ва “Хунарманд” илмий-ишлаб чиқариш марказлари аъзолари, уйда ижод қилган ва маҳсулотларини мана шу марказлар орқали тарғиб қилишганд.

Хулоса қилиб айтганда, Мустақиллик йилларида хунармандларга берилаётган эътибор ва эътироф анъанавий хунармандчиликнинг ривожланишига сабаб бўлди. Юртимиз мустақилликка эришган йилларда амалий санъатнинг 20 га яқин турлари бўлган бўлса, ҳозирги кунда хунармандчиликнинг турлари 43 тага етди. Ушбу йўналишларнинг аксарият турлари бўйича таникли аёл хунармандлар фаолият юритиб келишмоқда. Ўзбекистон Қаҳрамонлари ичидаги моҳир аёл хунармандлар ҳам бор. Ўз ўрнида улар “устоз-шогирд” мактабининг давомчиси, анъаналарни авлоддан авлодга етказишида муҳим роль ўйнаган инсонлар бўлишганд. Хусусан, Мұхаррам Ибрагимова ҳам фарзандларига ўз хунарини ўргатиши баробарида ўнлаб шогирдлар ҳам чиқарған. Ҳозирги кунда ўша шогирдлар Ўзбекистоннинг энг кўзга кўринган моҳир усталари бўлиб етишишганд ва ўзларининг қатор шогирдларига ёғоч ўймакорлиги хунарининг сир-асрорлари ўргатиб келишмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аведова Н.А. Ташкентская резьба по дереву в работах М.Касымова. Ташкент-1961.
2. Паргори (вид резьбы по дереву) в работах народного мастера Сулеймана Ходжаева. Ташкент. 1958.
3. Булатов С. Ўзбек халк амалий безак санъати.-Тошкент. Мехнат. 1991. - 226 б.
4. Ўзбекистон Давлат санъат музеи ноёб хазинасидан / А.Хакимов, В.Файзиева. - Тошкент. Baktria pres. 2014. – 236 б.
5. Ўзбекистон маданий мероси муаллифлик туркуми: Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музеи тўплами китоб-албоми. /Ф.Ф.Абдухоликов, Е.В.Ртвеладзе, И.Юсупов, С.Зохидова, С.Исраилова (Раҳмонова). – Т.: “Uzbekistan today” АА, “Даракчи информ сервис” МСҲЖ буюртмасига кўра, 2021. – 528 б.
6. М.Гаипова, “Тошкент ёғоч ўймакорлигининг йирик намоёндаси Н.Ибрагимовнинг ижоди” мақоласи, 2023.
7. М.Гаипова, “Тошкент ёғоч ўймакорлиги мактаби ривожида Ибрагимовлар сулоласи вакиласининг тутган ўрни” мақоласи.